

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 - МАХСУС СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3**

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE - 3**



**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Алима Ауанасова</b> ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
<b>2. Максим Моисеев</b> РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
<b>3. Рахбар Холиқова</b> TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
<b>4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова</b> ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
<b>5. Дурдонахон Муродова</b> ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
<b>6. Авазбек Мирзаев</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
<b>7. Саҳодат Муртазова</b> “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
<b>8. Шухратжон Абдуллоев</b> БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
<b>9. Исломбек Бобожонов</b> ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
<b>10. Бобурмирзо Ботиров</b> ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
<b>11. Хумоюн Назаров</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
<b>12. Баҳрам Намозов</b> ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
<b>13. Файзулла Очилдиев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


<b>14. Turdigul Omirzakovna</b> QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
<b>15. Мухиддинжон Примов</b> XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
<b>16. Азиз Равшанов</b> ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
<b>17. Гулчехра Рахимова</b> ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
<b>18. Екатерина Смесова</b> ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
<b>19. Жасур Савриев</b> НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
<b>20. Музаффар Тожибоев</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
<b>21. Сайёра Тураева</b> ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
<b>22. Тўракул Ҳасанбоев</b> ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
<b>23. Шермухаммат Эрназаров</b> МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
<b>24. Ахмеджон Юсупов</b> САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
<b>25. Алишер Эсанов</b> ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
<b>26. Миролим Бердикулов</b> ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ахмеджон Шоназарович Юсупов,  
Урганч Давлат Университети  
Тарих кафедраси ўқитувчиси

## САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН

**For citation:** Akhmedjon Sh.Yusupov, FROM THE HISTORY OF ARCHEOLOGICAL RESEARCHES IN MONUMENTS OF SARIKAMYSHBOY AND UZBAY BORDER. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.185-192

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6583223>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Сарикамишбўйи ва Узбой сарҳадларида чорвадор қабилалари ёдгорликларининг археологик ўрганилиш тарихи қараб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Қанға 2, Куйисой 2, Уйгарак, Сакарчага, Ёз II, сув саклари, ботқоқ массагетлари.

Ахмеджон Шоназарович Юсупов,  
Преподаватель исторического факультета  
Ургенчского государственного университета

## ИЗ ИСТОРИИ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ В ПАМЯТНИКАХ САРИКАМЫШБОЯ И УЗБАЙСКОЙ ГРАНИЦЫ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены история изучения археологических памятников кочевников на территории Сарыкамыш и Узбае.

**Ключевые слова:** Канха 2, Куйисай 2, Уйгарак, Сакарчага, Ёз II, водоемы саки, болотные массагеты.

Akhmedjon Sh. Yusupov,  
The Lecturer of the Faculty of History  
Urgench State University

## FROM THE HISTORY OF ARCHEOLOGICAL RESEARCHES IN MONUMENTS OF SARIKAMYSHBOY AND UZBAY BORDER

## ABSTRACT

The article deals with the history of the study of archaeological monuments of nomads on the territory of Sarykamysh and Uzbay.

**Index Terms:** Kanha 2, Kuyisay 2, Uygarak, Sakarchaga, Yoz II, Saki reservoirs, swamp Massageti.

**1. Долзарблиги:**

Хоразм археология – этнография экспедицияси ходимлари XX аср 70 йилларига қадар Сарикамишбўйи ва Узбой ҳудудларида саклар ёдгорликларида археологик қазииш ишларини олиб бормаганлар. Тарихий маълумотларга кўра, XX аср 70 йилидан бошлаб, Довдон ўзани қирғоғида Қанға 2 манзилгоҳида археологик тадқиқотлар олиб борилиши муносабати билан мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига мансуб археологик ашёлари қолдиқлари олинган[1]. Бу эса, кўхна ва бой Ўзбекистон тарихини ўрганишда долзарб аҳамиятга эга.

**2. Методлар:**

Мақолада манбалар таҳлили, илмий қарашлар ва ёндашувларнинг қиёсий таҳлили, тарихий маълумотларни умумлаштириш ва ҳолислик тамойили усулларидадан фойдаланилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Д.Дурдиев хулосасига кўра, Қанға 2 мил. авв. VII аср охирлари - VI аср ўрталарига оид бўлган. Унинг ёзишича, “кўчманчи чорвадор панагоҳи” сифатида бино қилиниб, мил.авв. VI аср ўртасида форс давлатининг ҳарбий зарбаси оқибатида ўз фаолиятини тўхтатган [2]. Дарҳақиқат, тадқиқотчи тарихий санада хатога йўл қўйган, чунки Форс ёзма манбалари маълумотларига кўра мил. авв. VI аср ўртасида Қанға 2 давлат сифатида ташкил топгани тарихий бўлиб, кулолчилик ашёлари сўнгги бронза даври Амиробод сопол буюмлари билан таққосланди ва манзилгоҳда паноҳ топган жамоа уюшмалари чорвачилик билан шуғулланган деган хулоса чиқарилган [3]. XX асрнинг 70 йили бошида тадқиқотчи Б.И.Вайнберг Довдон ўзани жануби-ғарбида мил.авв. VII-VI асрларга оид чорвадорларнинг иккинчи макони Куйисой 2 рўйхатга олинган.

Ёдгорлик умумий ҳажми 12 га, тўрт томони муҳофаа деворлар билан ўраб олинмаган. Манзилгоҳ аҳолиси ертўлалар, ёғоч устунли синч деворли кулбалар ва чайлаларда яшаган[4]. Амирободликларнинг турар-жойларнинг қурилиш анъаналари давом этганлиги кузатилади. Турар-жойлар, хонаки хунармандчилик маҳсулотлари, манзилгоҳ атрофида қадимий сунъий суғориш иншоотлари қолдиқлари йўқлиги, кундалик ҳаётида чорвачилик хўжалиги устунлик қилганлигидан далолат беради. Ертўла уйлар ҳажми 100 м<sup>2</sup>, ертўла ёғоч устун учун 10-25 см, улар бир-биридан 40-50 см узоқликда жойлашган. Куйисойликлар асосий эътиборни йирик (28,9 %) ва майда шохли чорвага катта эътибор берганлар (40 %)[5]. Манзилгоҳ маданий қатламидан хум қолдиқлари, дон янчгич мавжудлиги қуйисойликлар “қайр” деҳқончилиги билан шуғулланганликларидан далолат беради. Хўжаликда от, туя, эшак ва чўчка суяқларининг олиниши Довдон ирмоғи жануби-ғарбий соҳили атрофларида озиқ-овқат маҳсулотлари сероб бўлган. Бу эса қуюсойликлар кундалик ҳаётларида гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлашига катта эътибор берганлар деган хулосага келиш мумкин. Довдон ирмоғи ҳавзасида Тумеккичиджик мазор кўрғонларидан олинган антропологик ашёлар Уйгарак чорвадорлари дафн одатларини такрорлайди. Қуйидаги ўхшаш жиҳатлар, яъни қабрлар марказида марҳумларнинг дафн этилиши, қабр ичида жасад қуйдирилиши, аёлларнинг қабрларида маржонлар, тош ёрғучоқлар, сопол урчуқларнинг қўйилишидир[6]. Б.И. Вайнберг Куйисой материалига умумий тавсиф беришида (сопол идишлар, темирдан ясалган пичоқлар, бронза ашёлари, ёрғучоқлар, сопол урчуқлар, феруза, ложувард ва оқтош маржонлар) Куйисой маданияти, шубҳасиз, саклар доирасига мансуб деган хулосага келган[7]. Афсуски, мавжуд бўлган археологик манбаларни қайта илмий таҳлиладан келиб чиқиб, қуйисойликларни мил.авв. VII асрда Шимолий Эронда яшаган ва шу асрнинг ўрталарига Хоразм воҳасига кўчиб келган эроний тилли чорвадор қабилалари билан боғлайди [8].

Б.И.Вайнберг ёзишича Оролбўйи сакларнинг Мидиянинг шарқий худудларига мил.авв. VII асрда ҳарбий юришлари оқибатида шу эроний тилли чорвадорлар-хорасмийлар (ўз хоҳиши ёки мажбурий равишда) Сарикамиш бўйларига кўчирилган эди[9]. Тадқиқотчининг келгинди қуйисойликлар тўғрисидаги хулосаси тадқиқотчилар ўртасида баҳс-мунозараларга айланган, қуйисойликларнинг саклар маданиятига мансублиги ҳақидаги масалага М.А.Итина эътиборни қаратган[10]. М.А. Итина ёзишича, мил.авв. VII-IV асрларга оид Қуйисой маданияти хусусияти манзарасида, унинг илк босқичида иккита маданий қатлам яққол кузатилади, яъни, Ўрта Осиё жануби-ғарби (Даҳистон) ва жанубидан (Марғиёна) олиб келинган кулолчилик чарҳида ишланган сопол идишлар ва шимолий маҳаллий саклар маданий анъаналари илк темир даврига келиб, сак қабилаларининг Хоразм даштларида ёйилиши, эҳтимолдан ҳоли эмас деган фикр билдирилди [11].

Т.А.Трофимова қуйисойликларнинг шимоли-шарқий Эрон ёки Шарқий Мидия худудларидан келиб чиқиши полеантропология материалларида ўз аксини топмайди деб тўғри хулосага келган. Тарихий маълумотларга кўра, Тумеккичиджик ва Таримқоя I мозор кўрғонларида чорвадорлар бош суяклари қуйисойликларнинг антропологик белгиларини Евроосиё дашт қабилаларига мансублиги қайд этилган[12]. Б.И.Вайнберг фикрича, антропология маълумотлари қуйисойликлар пайдо бўлиши жараёнини Ўрта Осиёнинг шимолий вилоятлари ва Қозоғистон дашт қабилалари билан боғлашга асос бўла олмайди[13]. Ушбу хулосани М.А.Итина эътироф этиб, Қуйисой маданиятининг маҳаллий илдизига урғу берганлигига қўшилиш мумкин [14].

Тадқиқотчи Л.Т.Яблонский Қуйисой қирларида Сакарчага мозор кўрғонларида казишмалар олиб бориб [15], ноёб антропологик ашёлар мавжуд бўлган баҳсларни ойдинлаштириши мумкин эди. Сакарчага қабрлари тузилиши хилма-хил, яъни гўр ғови оҳақтошдан терилган лаҳадлар, мурдалар қамиш тўқималарга қўйилган катта тўғрибурчак, ер юзида икки қатор оҳақтош билан ўраб олинган қабрлар, жасад уларнинг марказий қисмида дафн этилган ва тупроқдан иборат қабр кўтармаси билан беркитилган; ер устида деворлари синч бўлган устунли-синч кулба шаклидаги қабр-мақбаранинг марказига марҳумлар қўйилган; атрофи оҳақтош билан ўраб олинган, думалоқ шаклдаги кулбасимон устунли-синч мақбараларда мурдалар куйдирилган [16]. Сакарчага ва Уйгарак мозор кўрғонлари моддий ашёлари натижасида, Оролбўйи сакларнинг қабрларида оламдан ўтганларнинг дафн маросимларининг умумийлик ҳолатлари аниқланган. Марҳумларни анъанавий қамиш тўшамалар ёки бўйраларга ётқизиб қўйиш, қабрларни тупроқ билан тўлдирмасдан, гўр чуқурларининг томонларини ўраб ёғоч устунлар ўрнатиш ва қабрларни бўйра ҳамда шоҳ-шаббалар билан беркитиш, шунингдек ертўлали устунли-синч турар жойларга ўхшаш, катта тўғрибурчак чуқурлардан иборат, устунли-синч шаклдаги қабрларни “марҳумлар уй-жойлари” сифатида барпо этиш ва жасадларни куйдириш каби одатлардир.

Чорвадорларнинг дафн маросимлари Геродот томонидан қайд қилинган скифлар дафн одатларига ўхшаб кетади, яъни “Ерда катта тўртбурчак чуқур қавланади. Жасад гўр ичига бўйрага ётқизиб қўйилади, қабр усти ходала ва қамиш бўйралари билан беркитилади” [17]. Сакарчага дафн жиҳозлари Тагискен ва Уйгарак топилмалари сингари сопол идишлар, рўзгор буюмлари ва қуроллар, сопол урчуқлари, заргарлик буюмлари, от анжомлари ва эътиқод маросимларида фойдаланилган буюмлар ташкил қилган. Улар орасида мунчоқлар, олтин зирақлар, темир билагузуклар, бронза ва темирдан ясалган пичоқлар, бронза ўқ учлари ҳамда тақа ва куббалар мавжуд бўлган [18].

Таъкидлаш жоизки, Сакарчагада топилган тасма усулида қўлда ясалган идишларнинг Қуйисой манзилгоҳи идишларидан катта фарқлари йўқ ва улар технология жиҳатидан умумий маданиятга доир кулолчилик шакллари ташкил этади. Идишларнинг бошқа гуруҳи кулолчилик чарҳида ишланган бўлиб, Марғиёна ва эҳтимол, Бақтриядан Хоразм воҳасига олиб келинган [19]. Ёз II даврига оид бундай идишлар Уйгарак кўрғонлари ва Қуйисой манзилгоҳида топилганлиги маълум.

Л.Т.Яблонский Сакарчага археологик мажмуасидаги бронза ва темирдан ишланган буюмларни ҳамда от анжомларини кенг худуд - Волга бўйи, Жанубий Урал, Қозоғистон ва

Ғарбий Сибирда ёйилган илк темир даври дашт чорвадор қабилаларига мансуб ўхшаш топилмалар билан қиёслаб, Сакарчага мазор кўрғонларини хронология жиҳатдан мил.авв. VIII аср охирлари - VII аср билан белгилашни таклиф қилган[20]. Тагискен ва Уйгарак кўрғонларида топилган ўхшаш Ёз II даври сопол идишлари, айрим бронза ўқ учлари ва темир пичоқлари инобатга олинган ҳолда, Қуйи Амударё жанубий ҳудудларини илк сақлар томонидан ўзлаштириш жараёнларини VIII-VII асрлар чегараси ва мил.авв. VI-V асрлар билан боғлаш мумкин.

XX асрнинг 70-80 йилларида Туркменистон ва Қорақалпоғистон археологлари томонидан Амударёнинг Каспий денгизига қуйилган Узбой ўзани ва Устюрт чинклари бўйлаб амалга оширилган қидирув ишлари ва археологик қазилмалари туфайли, Амударё сўл соҳили, Орол ва Каспий денгизи оралиғидаги чўлларида кўчманчилар ёдгорликларининг мавжудлиги аниқланган. Х.Ю.Юсупов хулосасига кўра, Узбой қирларида жойлашган чорвадорлар мазор-кўрғонларининг аксарияти мил.авв. IV-II асрларга оид бўлса, баъзилари эса ми.авв. VI-V асрларга мансуб бўлган [21]. Б.И.Вайнберг эса, мил.авв. VI асрда Узбой қирғоқларида массагетларнинг манзилгоҳлари ҳали мавжуд бўлмаган[22] деган хулосага эга. Бизнингча уларнинг манзилгоҳлари қисқа муддатли маконлар бўлган.

Довдон ирмоғи жануби-ғарбий ҳудудига кўчиб келган сақлар мудофаа деворлар билан ўраб олмаганлар. Улар кулбасимон турар жойларда истиқомат қилганлар. Мил.авв. VII-VI асрлар Сарикамишбўйи жанубий-ғарбий ҳудудда этник туб ўзгаришлар рўй берган. Аммо бу ўзгаришлар фақат сўл соҳил Амударё ерларида қўлга киритилган археология материалларида ўз аксини топган бўлса, Оқчадарё хавзасида мазкур жараён юз бермаган.

XXI асрнинг бошларида Хоразм воҳаси қадим аҳолиси тарихига доир янги илмий тадқиқотлар илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган. А.Асқаров, С.П.Толстов монографияларида қайд қилинган маълумотларни таҳлил қилиб, Хоразм воҳасида бронза давридан “серунум яйловлари чорвачилик хўжалигининг тараққий этиши учун жуда қулай эди”, шу давр Хоразм заминида суғорма деҳқончилик жадал ривож топмаган, шунингдек Қуйисой қабилалари воҳанинг маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган деган хулосага келганлиги маълум [23]. А.Асқаров хулосасини назарга олган Қ.Собиров мил.авв. VII-VI асрларда Сарикамиш хавзаси, Тунидарё хавзаси атрофларида жойлашган аҳоли гуруҳлари кўчманчи-чорвачилик хўжалиги билан шуғулланган эди, қуйисойликлар “чодир ва ертўлаларда яшаб, деҳқончиликнинг баҳорикор лалми ва чорвачилик билан шуғулланган” [24] деган хулосага келган. Шунингдек, тадқиқотчи, қуйисойликларни мил.авв. IX-VIII асрларда Амударёнинг Оқчадарё хавзасида ривожланган Амиробод маданияти қабилалари билан боғлаш ҳақиқатга яқин бўлса керак, амирободликларнинг бир қисми “чорвага қулай ботқоқлик, сувларга сероб Сарикамиш хавзасига кўчиб келиб хўжалик юритганлар” деган хулосани Страбоннинг “сув сақлари”, “ботқоқ массагетлари” мулоҳазаси билан боғлайди.

Бизнинг назаримизча, қуйисойликларнинг амирободликлардан келиб чиқиши ҳақиқат. Сакарчага мазор кўрғонларидан олинган материаллар қуйисойликларга мансуб эканлигидан далолат беради.

Х.Матяқубов мил.авв. VII асрда Жанубий Оролбўйи ҳудудига мураккаб этник жараёнлар юз берганига эътибор бериб, қуйисойликларни жанубдан кўчиб келган қабилалар деб талқин қилиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки уларнинг турмуш-тарзида Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларига оид, бир тизимга асосланган маданий анъаналар акс этилмаган. “Аксинча, асосий белгиларга кўра, Қуйисой маданиятининг дашт чорвадорлари маданиятлари билан узвий алоқадорликлари устунлик қилади”. Шу тариқа “қуйисойликлар деб шартли равишда аталган сўл соҳил Хоразм воҳасининг туб жойли аҳоли вакиллари Амиробод маданиятини яратган қабилаларнинг ворислари эди деб таъкидлаб, Қ.Собиров фикрига қўшилган [25]. Фикримизча, мил.авв. VII асрда Сарикамишбўйи ҳудудларида ривожланган этник ва маданий жараёнларни ёритишда археологик тадқиқотлар натижалари муҳим. Б.И.Вайнберг Қуйисой маданиятининг ўзига хослигини, илк темир жамияти иқтисодий асосини чорвачилик ташкил этганлиги, бу маданият умумий кўринишда сақлар маданиятига мансуб бўлганлигини қайд қилган. В.М.Массон бу ёндошувга баҳо бериб

куйисойликларни моддий маданиятига хос турар-жойлар ва қўлда ясалган сопол идишлар саклар кулолчилиги анъаналарини ўзида акс эттиради деб тўғри хулосага келган [26].

Сакарчагада топилган тасма услубида қўлда ишланган сопол идишлар технологиясида ва Куйисой кулолчилик буюмларида талайгина ўхшашликларга эга. Шунингдек, бундай ўхшашлик бронза ва темир қуроллари ҳамда бронза ўқ учларида ўз аксини топган. Мил.авв. VII асрда куйи Амударё сўл соҳили ерларидаги ярим ўтроқ хўжалик манзарасини чорвачилик хўжалиги ташкил қилган.

Жанубий Оролбўйида амалга оширилган археологик тадқиқотлар ва топилган материаллар илк темир даври Хоразм воҳаси тарихини даврлаштириш заруриятини тарих саҳнасига олиб чиқишга замин бўлди. С.Б.Болелов илк темир даврини куйидаги босқичларга ажратган: биринчи босқич, мил.авв. VIII аср охири VII аср бошлари, Сарикамишбўйи худудларига Куйи Сирдарёдан илк сакларнинг миграцияси Куйисой маданиятининг шаклланиши; иккинчи босқич мил.авв. VII аср охири, Кўзалиқир маданиятининг шаклланиши ва Хумбузтепада (Жанубий Хоразм) кулолчилик марказининг пайдо бўлиши [27].

С.Р.Баратов Жанубий Хоразмда (ўнг соҳил Амударё) Мешекли ва Учўчоқ илк саклар мазор қўрғонларининг топиб текширилиши ҳақида ёзган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, дафн жиҳозлари ичида аниқланган бронза ўқ учлари ва қўлда ишланган сопол идишлар бу қўрғонларни мил.авв. VIII-VI асрлар билан белгилашга имкон беради. Довдон ирмоғи жануби-ғарбий худудида Куйисой маданияти тарқалган, бу ердан маҳаллий чорвадор қабилалари Амударё Узбой ва Устюрт худудлари сари ёйилган [28] деган фикр ҳақиқат.

#### **4. Хулосалар:**

Куйисой маданияти ёдгорликларини археологик жиҳатидан ўрганган (Б.И.Вайнберг, Д.Дурдиев) тарихий санасини мил.авв. VIII аср билан белгилаганлар. Юқорида келтирилган маълумотлар куйидаги хулосаларга келиш имконини берди.

1. Саклар тарихи ва маданиятини ўрганишда қадимги форс битиклари ва юнон тарихчиларининг маълумотлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар турли авлод тадқиқотчилари томонидан кўриб чиқилган. Ёзма манбалар форс подшоларининг (Кир II, Доро I) ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ ҳолда кўпроқ талқин қилинган. XIX аср охириларидан бошлаб шарқшунослар томонидан сакларнинг этимологияси, уларнинг худудий жойлашиши, тарихий географияси ва ижтимоий тизимига доир масалалар илк бор илгари сурилган.

2. XX асрнинг 40 йиллари охириларига қадар билдирилган фикр-мулоҳазаларни илмий фаразлар сифатида қабул қилиш мумкин.

Европа тадқиқотчилари Ўрта Осиёда кечган жараёнлардан воқиф эмас, мавжуд тарихий-географик ахборот ва географик хариталардан хулоса чиқариб, сак-массагетларнинг худудий жойлашиш сарҳадлари чегараларига эътиборни қаратганлар. Тарихий маълумотлар сак-массагетлар хўжалигини ўрганишда манбашунослик, тарихий география ва этник картографияси йўналишларига асос солинганлигини қайд қилиш жоиз.

3. Хоразм археологик экспедицияси ходимлари илмий-тадқиқот йўналишида чорвадор қабилалари тарихига оид кириладиган ноёб антропологик ашёлар олганлигининг илмий аҳамияти беқиёс.

4. Мил.авв. V-IV асрларда Чирикработ ва Жетиосар маданияти яратган қабилалар Куйи Сирдарё ҳавзасида ҳажми катта қалъалар ва уй-қўрғонларни бино қилганлар, аҳолининг хўжалик ҳаётида чорвачилик ҳамда деҳқончилик йўналиши муҳим ўрин эгаллаган. Хоразм археологик экспедицияси ходимларининг кенг қамровли тарзда оширилган тадқиқотлари мил.авв. V-III асрларга оид Шарқий Оролбўйи (Куйи Сирдарё) сакларнинг мудофаа иншоотлари, бинокорлик хусусиятлари, ҳунармандчилик соҳалари ва қадимги сунъий суғориш тизими оид муҳим манбаларни олиш имконини яратган.

5. Тарихий-географик сарҳадларда умргузаронлик қилган Суғд, Бактрия ва Марғиёна аҳолиси қадимдан ўтроқ зироаткор-чорвачилик хўжалигини ривожлантирганлар. Хоразм

воҳасини ўраб олган дашт қабилалари тарихини ўрганиш “Оролбўйи скифлари ва Хоразм” мавзуси белгилаб олинди аҳамияти беқиёс.

Қанғ 2, Қуйисой манзилгоҳлари ва Сакарчага мазор қўрғонларининг кашф этилиши оқибатида мавжуд илмий қарашлар ўзгариб, “Шарқий Оролбўйи саклари” тушунчаси каторида “Жанубий Оролбўйи саклари” “саклар хоразмликлар” каби атамаларнинг вужудга келишига олиб келди. Археологик ашёлар ва унинг таҳлили илк сакларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, уруғ-қabila тизими аждодлар анъаналарига асосланиб ривожланганлиги ойдинлашди.

XX аср 90-йиллари охирига келиб, Оролбўйи аҳолисининг мил.авв. VIII-VII асрларда Хоразмда кулдорлик босқичининг вужудга келишига доир фикр-мулоҳазалар ўзгариб, янги маълумотлар асосида ўз исботини топмаган. Хоразм экспедицияси ходимлари томонидан Қуйи Сирдарё ва Оролбўйи саклар тарихига оид билдирилган илмий қарашлар Ўрта Осиё тарих фанида кўп йиллар мобайнида тарихшуносликда тан олинган. Саклар маданияти тарихига оид вужудга келган илмий қарашлар моддий ашёларга асосланган. Қуйи Сирдарё ва Сарикамишбўйи илк сак қабилаларининг тарихи алоҳида умумлаштирилган махсус объект сифатида белгилаб олинмаганлигини қайд қилиш жоиз.

Сарикамишбўйи ва Узбой саклар тарихини ўрганишда инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва шу асосда янги мавзуларни ишлаб чиқишда археологик материалларнинг ўрни беқиёс. Археологик тадқиқотлар натижалари илк темир ва антик давр жамиятида чорвадор қабилаларнинг тарихий ўрнини ойдинлаштиради.

Албатта, чорвадорлар дунёси жамиятида кечган тарихий жараёнларни археологик тадқиқотлар натижаларини ёзма манбалар билан умумлаштирган ҳолда қайта тиклашнинг аҳамияти беқиёс.

Археологик тадқиқотлар натижаларини ёзма манбалар билан умумлаштирган ҳолда чорвадорлар дунёси жамиятини қамраб олган манзарасини қайта тиклаш имконини беради.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Вайнберг Б.И., Дурдыев Д., Юсупов Х. Разведочные работы в Северной Туркмении // АО. 1970. – М.: Наука, 1971. – С. 434-436. (Vainberg B.I., Durdyev D., Yusupov Kh. Exploration work in Northern Turkmenistan // АО. 1970. -- М.: Наука, 1971. - P. 434-436).
2. Дурдыев Д. Археологические исследования на территории Ташавузской области // Каракумские древности. – Ашхабад, 1977. Вып. V. – С. 137-139. (Durdyev D. Archaeological research on the territory of the Tashavuz region // Karakum antiquities. - Ashgabat, 1977. Issue. V. - P. 137-139.)
3. Дурдыев Д. Канга-2 поселение эпохи поздней бронзы // Проблемы археологии Туркменистана. – Ашгабад, 1984. – С. 31-37. (Durdyev D. Kanga-2 settlement of the Late Bronze Age // Problems of archeology of Turkmenistan. - Ashgabat, 1984. - P. 31-37.)
4. Вайнберг Б.И. Новая культура раннего железного века в левобережном Хорезме // АО. 1971. – М.: Наука, 1972. – С. 530-531; ўша муаллиф. Куюсайская культура раннежелезного века в Присарыкамьшской дельте Амударьи // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1975. Вып. 3. – С. 43-48. (4. Weinberg B.I. New culture of the early Iron Age in the left-bank Khorezm // АО. 1971. - М.: Наука, 1972. - S. 530-531; that author. Kuyusai culture of the early Iron Age in the Sarykamysh delta of the Amu Darya // Successes of Central Asian archeology. - L.: Nauka, 1975. Issue. 3. - S. 43-48.)
5. Вайнберг Б.П. Памятники Куюсайской культуры // Кочевники на границах Хорезма. М.: Наука, 1979, – С. 23, табл.2. (Weinberg B.P. Monuments of the Kuyusai culture // Nomads on the borders of Khorezm. Moscow: Nauka, 1979, - P. 23, table-2.)
6. Вайнберг Б.И. Куюсайская культура раннежелезного века... С. 46-47. (Weinberg B.I. Kuyusai culture of the Early Iron Age -pp. 46-47.)
7. Вайнберг Б.И. Куюсайская культура раннежелезного века... С. 48. (Weinberg B.I. Kuyusai culture of the early Iron Age -p. 48.)

8. Вайнберг Б.И. Скотоводческие племена в древнем Хорезме // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука. 1981. – С. 128. (Weinberg B.I. Cattle-breeding tribes in ancient Khorezm // Culture and art of ancient Khorezm. - M.: Science. 1981. - P. 128).
9. Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности VII в. до н.э. – VIII в. н.э. – М.: ИВЛ. 1999. – С. 156. 235. (Weinberg B.I. Ethnogeography of Turan in antiquity of the 7th century BC. - VIII century. AD - M.: IVL. 1999.-- S. 156.235.)
10. Итина М.А. От редактора // Кочевники на границах Хорезма. Тр. ХАЭЭ. Т. XI. – М.: 1979. – С. 5-6. (Itina M.A. From the editor // Nomads on the borders of Khorezm. Tr. НАЕЕ. Т. XI. - М.: 1979. - P. 5-6.)
11. Итина М.А. Хорезмская экспедиция-основные итоги и перспективы исследований // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 12. (Itina M.A. Khorezm expedition - the main results and prospects of research // Culture and art of ancient Khorezm. - M.: Nauka, 1981. -- P. 12.)
12. Трофимова Т.А. Черепа из погребений куюсайской культуры в могильниках Тумеккичиджик-и Тарым-кая // Кочевники на границах Хорезма. Тр. ХАЭЭ. Т. XI. – М.: 1979. – С. 79. (Trofimova T.A. Skulls from burials of the Kuyusai culture in the burial grounds of Tumekkichidzhik-i Tarym-kaya // Nomads on the borders of Khorezm. Tr. НАЕЕ. Т. XI. - М.: 1979.- P. 79.)
13. Вайнберг Б.И. Памятники Куюсайской культуры // Кочевники на границах Хорезма. Тр. ХАЭЭ.Т., XI. – М.: 1979. – С. 48. (Weinberg B.I. Monuments of the Kuyusai culture // Nomads on the borders of Khorezm. Tr. KhАЕЕ.Т., XI. - М.: 1979. - P. 48.)
14. Итина М.А. Охранные археологические работы в Хорезме: итоги и перспективы // СЭ. – М.: 1984. № 1. – С. 53. (Itina M.A. Security archaeological work in Khorezm: results and prospects // SE. - M.: 1984. No 1. - P. 53.)
15. Яблонский Л.Т. Исследование могильника Сакарчага // АО, 1981. – М.: Наука, 1983. – С. 482-483; ўша муаллиф. Раскопки курганов в Северной Туркмении // АО, 1982. – М.: Наука, 1984. – С. 492. (Yablonsky L.T. Research of the Sakarchaga burial ground // АО, 1981. - M.: Nauka, 1983. - P. 482-483; Excavations of burial mounds in Northern Turkmenistan // АО, 1982. - M.: Nauka, 1984. - P. 492.)
16. Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М.: Институт археологии РАН, 1996. – С. 18-21. (Yablonsky L.T. Saki of the Southern Aral Sea region (archeology and anthropology of burial grounds). - Moscow: Institute of Archeology RAS, 1996. - S. 18-21.)
17. Геродот. Кн. IV. 71. (Herodotus. Book. IV. 71.)
18. Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья... - С. 30-34. (Yablonsky L.T. Saki of the South Aral Sea ... -P. 30-34.)
19. Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья...- С. 30. (Yablonsky L.T. Saki of the Southern Aral Sea ... -P. 30.)
20. Кўрсатилган асар. – С. 50-52; Шунингдек бу масалага доир қаранг: Итина М.А., Яблонский Л.Т. Саки нижней Сырдарьи. – М., 1997. – С. 93-107; Яблонский Л.Т. Саки в дельте Окса. Теория и практика этногенетического исследования. – М.: 2015. (Itina M.A., Yablonsky L.T. Saki of the lower Syrdarya. - M., 1997. - P. 93-107; Yablonsky L.T. Saki in the Oksa delta. Theory and practice of ethnogenetic research. - M.: 2015.)
21. Юсупов Х.Ю. Исследования курганных памятников вдоль верхнего Узбая весной 1973 г. // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1975. Вып. 3. – С. 48-51; ўша муаллиф. Новые археологические материалы с верхнего Узбая // Каракумские древности. – Ашхабад, 1979. Вып. VIII. – С. 6-25. (Yusupov H.Yu. Studies of burial sites along the upper Uzbay in the spring of 1973 // Successes of Central Asian archeology. - L.: Nauka, 1975. Issue. 3. - S. 48-51; ўsha muallif. New archaeological materials from the upper Uzbay // Karakum antiquities. - Ashgabat, 1979. Issue. VIII. - P. 6-25.)
22. Вайнберг Б.И. Древняя история обводнения Присарыкамьшской дельты Амударьи в свете археологических работ последних десятилетий // Аральский кризис. – М.: 1991, –

- C. 130. (Weinberg B.I. Ancient history of watering of the Sarykamysh delta of the Amu Darya in the light of archaeological work of the last decades // *Aral crisis*. - М.: 1991, - P. 130.)
23. Аскарлов А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // *Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндошувлар*. – Тошкент, 2004. – Б. 76-84; ўша муаллиф. Новые подходы к изучению истории древнего Хорезма. – *O'zbekiston tarixi*; № 4, 2007. – С. 12-14. (Askarov A. Some questions of the history of ancient Khorezm // *Ethnology of Uzbekistan: new views and approaches*. - Tashkent, 2004. - B. 76-84; this author. New approaches to the study of the history of Ancient Khorezm. - *History of Uzbekistan*; No. 4, 2007. - p. 12-14.)
24. Собиров К. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 135. (Sobirov K. Rural and urban defense structures of Khorezm. - Tashkent: Fan, 2009. - P. 135.)
25. Матякубов Х. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент, 2017. – Б. 36-37. (Matyakubov X. History of the Bronze Age and the Early Iron Age of the Khorezm oasis. - Tashkent, 2017. - P. 36-37.)
26. Массон В.М. Цивилизация древнего Хорезма (этапы и пути самоидентификации) // ИМКУ. – Самарканд, 1999, Вып. 30. – С. 88-89. (Masson V.M. Civilization of Ancient Khorezm (stages and ways of self-identification) // ИМКУ. - Samarkand, 1999, Issue. 30. - P. 88-89.)
27. Болелов С. Ранний период истории древнего Хорезма по археологическим данным // *Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти*. – Тошкент, 2002. – С. 44-45; ўша муаллиф. Древний Хорезм в эпоху раннего железного века по археологическим данным // *История и археология Турана № 3*. – Самарканд, 2017. – С. 71-78. (Bolelov S. The early period of the history of ancient Khorezm according to archaeological data // *Orta Osiyo archeologasi, tarixi va madaniyati*. - Tashkent, 2002. -- S. 44-45; ўша muallif. Ancient Khorezm in the early Iron Age according to archaeological data // *History and archeology of Turan № 3*. - Samarkand, 2017. - pp. 71-78.)
28. Баратов С. Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма // *O'zbekiston tarixi*. 2007. 4-сон. – С. 24; Новые данные по археологии Южного Хорезма // *Археология Узбекистана. № 1*. – Самарканд, 2013. – С. 34. (Baratov S. Some problems of archaeological research of ancient cultures of Khorezm // *O'zbekiston tarixi*. 2007.4-sleep. - P. 24; ўша muallif. New data on the archeology of South Khorezm // *Archeology of Uzbekistan. No. 1*. - Samarkand, 2013. - P. 34.)

**ЎТМИШГА НАЗАР**

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**LOOK TO THE PAST**

**№SI-3 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000